● Муштарий билан юзма-юз

# «ҲАР ДАШТИНИНГ ЮЗИДАН ЖАННАТ КЎРИНАДИР ВА ҲАР ДАЛА ПАРЧАСИДАН ЭРАМ БОҒИ БИЛИНАДИР»

Яқинда 600 йиллигини нишонлайдиган Самарқанд туманида «Халқ сўзи» кунлари ўтказилди



Самарқанд заминининг саховати.



Туманга кираверишда ҳумо қуши тасвирланган ёдгорлик ўрнатилган.



Туман ҳокими Раҳима Ҳакимова журналистлар даврасида.

**«Ҳар даштининг юзидан жаннат кўринадир ва ҳар дала парчасидан эрам боғи билинадир».**

**Бу туманнинг таърифу тавсифини келтирмоқчи, лекин уни мухтасар ифода қилмоқчи бўлган кишилар кўп ҳолларда ана шу иборани қўллашади. Кўп ва хўб топиб айтилган гап. Зеро, бунга шаҳри азим Самарқандни ўраб турган, ўнлаб чақирим масофага чўзилган боғ-роғларни кезган кишининг ўзи гувоҳ бўлиши аниқ...**

Самарқанд шаҳри ва Самарқанд туманини бир-биридан ақалли ҳаёлан бўлсаям айри тасаввур этиш қийин. Бу узукни кўзсиз кўришдек гап. Эҳтимол, шаҳар ва туманнинг бунчалик узвий боғланиб кетиши хассос табиатнинг яна бир мукаммал ижодидир. Нима бўлгандаям Самарқандни жаҳонга машҳур қилган фақат унинг асрий обидалари эмас, балки жаннатий боғлари ҳам эканлигини ҳеч ким инкор этмаса керак.

«Халқ сўзи» газетаси ижодий ходимларининг муштарийлар билан навбатдаги юзма-юз мулоқоти ана шу сўлим диёрда ўтказилди. Албатта, бундай учрашувлар республикамизнинг турли вилоятларида, туманларида анъанага айланиб бораётган бўлса-да, аммо Самарқанд туманида уюштирилган бу галги мулоқотдан бизнинг ҳам кўзлаган мақсадимиз бор эди. У ҳам бўлса, бу ердаги кўп сонли муштарийларимизни улар нишонлашга ҳозирлик кўраётган қутлуғ сана -- туманнинг 600 йиллиги билан муборакбод этишни ният қилгандик. Албатта, бу санани эшитиб, айримлар ҳайратланиши мумкин. Чунки биз шу пайтга қадар, асосан, совет даврида қабул қилинган тамойилга кўра туманларнинг 50-60 йиллигини нишонлашга кўникиб қолганмиз. Самарқандликлар бу борада ҳам янгилик қилишди. Улар «Нега энди бугунги истиқлол дамларида ҳам кечаги кун тартибига амал қилишимиз керак? Ахир 50-60 йиллик деб белгиланган муддат тарихимизнинг асосий қисмини ўчириб ташламайдими?», дея бу ишга қўл уришди.

Эҳтимол сизда, нега 400-500 йил эмас, айнан 600 йиллиги нишонланаяпти, деган савол туғилиши мумкин. Туман оқсоқоллари бу борада ҳам мулоҳаза билан иш тутишибди. Тарихдан маълумки, буюк соҳибқирон бобомиз -- Амир Темур бундан 600 йиллар муқаддам ўзининг машҳур боғларини яратишга киришган. Уларнинг ҳаммаси ана шу туман ҳудудида эди. Шундан кейин бу боғлар атрофида янги-янги қишлоқлар пайдо бўлиб, аҳоли янада гавжумлашган экан. Демак, ҳозирги туман ҳудудининг гуллаб-яшнаши, унинг боғ-роғларга бурканишига 600 йил муқаддам асос солинган. Самарқандликлар бу санани белгилашда ана шу ҳақиқатга таянишди, холос. Қолаверса, улар бугунги кунда Амир Темур яратган, довруғи асрлар оша тарих саҳифаларидан тушмай келаётган боғларни тиклашди ва азалий номлари билан аташди.

Албатта, суҳбат қўр олмоғини истаган киши фақат суҳбатдошининг ўзини эмас, балки у амалга оширган ишлардан ҳам яхши хабардор бўлгани маъқул. Биз ҳам шу мулоҳазадан келиб чиқиб, муштарийлар билан мулоқотдан аввал туман хўжаликларини, ташкилотларини айландик. Вақтимиз етгунча, имкон қадар қурувчилар, тиббиёт ходимлари, далада ишлаётганлар билан озми-кўпми суҳбатлашдик.

**Эҳтимол, кўрмаган киши учун муболаға туюлар, аммо бир нарсага тан бериш керак, агар иш барча жойларда Самарқанд туманидагидек йўлга қўйилса, биз орзиқиб интилаётган фаровон кунлар яқин вақтлар ичида келиши муқаррарлигига ишонасан, киши.**

Туман республикадаги мева-сабзавот етиштиришга ихтисослашган ҳудудлардан бири. Лекин у ерда бугун барча маҳсулотни туманнинг ўзида қайта ишлаш ва истеъмолчига тайёр ҳолда бериш бош масала қилиб қўйилган. Ана шу мақсадда саноатни ривожлантириш учун кўп юмушлар амалга оширилаётир. Фақат кейинги уч йил давомида 13 та янги саноат корхонаси тикланди, тумандаги «Дўстлик» жамоа хўжалигида консерва заводи, «Гулобод» қўрғонида барпо этилган мева-сабзавот қуритиш, шарбат тайёрлаш, шунингдек, шиша идишлар, мебель-буюмлар ишлаб чиқариш корхоналари шулар жумласидандир. Туман ҳокимияти ташаббуси билан калиш ишлаб чиқарадиган, чинни буюмлар, шойи тўқиш билан шуғулланадиган кичик корхоналар фойдаланишга топширилди.

Ана шулар ҳисобига фақат 1994 йилнинг ўтган даврида саноат маҳсулоти тайёрлаш ҳажми 1993 йилга нисбатан 142 фоизга ошди. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажми эса 142 фоизга етказилди. Излаган тадбир топар, дейишади. Бошқа республикалар билан иқтисодий алоқалар узилганда ҳам туман ишбилармонлари, раҳбарлари қўл қовуштириб ўтиришмади. Масалан, биргина чанқовбосди ичимликлар муаммосини олинг. Унга ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни қондириш учун туманнинг ўзида қисқа муддатда озиқ-овқат комбинати тикланди. Завод учун ускуналарни Қозоғистон Республикасидан олиш имконини топдилар. Ҳозир у ерда ўн беш турдаги маҳсулот тайёрланмоқда.

Туман қишлоқ хўжалигида ҳам кўп қиррали иқтисодиёт вужудга келаётир. Хўжалик юритишнинг барча турлари,-- жамоа, ижара, ширкатлар уюшмаси, ҳиссадорлик ва деҳқон-фермерлик шакллари ривожланмоқда. Улар олаётган иқтисодий самара тобора ошмоқда. Шу сабабли туманда сабзавот, сут, дон етиштириш кескин кўпайди ва йиллик режа анча илгари уддаланди. Демак, даромад салмоғи ҳам шунга яраша.

Бугун Самарқанд тумани улкан қурилиш майдонини эслатади десак, муболаға эмас. Бунга ўзимиз гувоҳ бўлдик. Ҳар бир хўжалик ёки ташкилот қуриш, яратиш билан банд. Фақат кейинги 3-4 йил мобайнида барча манбалар ҳисобидан бу ерда 544 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди. 1287 минг квадрат метр саҳнга эга уй-жой, 11755 ўқувчига мўлжалланган мактаблар, минглаб ўринли мактабгача тарбия муассасалари ва шифохоналар қад кўтарди.

Ана шулар ва бошқа тадбирлар натижасида янги иш ўринлари яратилди. Туманда ишсизлар сони 9800 кишидан 850 нафаргача камайтирилди.

Юқорида туман иқтисодиётида саноат корхоналарининг ўрни тобора ортиб бораётганини айтиб ўтган эдик. Уларнинг асосий фаолияти туман аҳолиси эҳтиёжини қондиришга қаратилгандир. Бу ердаги корхоналар фақат шу йилнинг ҳозирги давригача бўлган вақт ичида етти миллион сўмлик саноат ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга эришдилар. Бундан тумандаги ўнлаб шахсий корхоналар, фирмаларнинг ҳам муносиб улуши бор. Масалан, «Парвина», «Таҳирий», «Мадина» шахсий корхоналарининг маҳсулоти жуда харидоргир.

Биз туманнинг «Ўзбекистон», «Гулистон», «Мароқанд» жамоа хўжаликларда бўлганимизда, айниқса, бир нарса эътиборни алоҳида тортди. Уларнинг ҳар қайсида янги, замонавий лойиҳалар асосида болалар боғчалари, мактаблар бунёд этилаётганини кўрдик.

-- Насиб этса, вақти келиб тумандаги барча болалар энг кўркам ва замонавий боғчаларда тарбияланадилар, мактабларда ўқийдилар,-- дейди туман ҳокими Раҳима Ҳакимова.-- Бунга эришиш учун барча чораларни кўраяпмиз. Маориф муассасалари қурилишини маблағ билан таъминлашнинг ҳамма шаклларидан фойдаланилмоқда.

Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш шароитида аҳолини ижтимоий муҳофазалаш алоҳида аҳамият касб этади. Туман ҳокимияти ана шу масалани доимий диққат-эътиборида тутмоқда. Бу ерда уруш ва меҳнат ногиронлари, фахрийлари, якка-ёлғиз, қаровчисиз қолган қариялар, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олиш, уларга моддий ёрдам кўрсатиш масалаларига катта аҳамият берилаётир. 1993-1994 йиллар давомида ана шундай фуқароларга хўжаликлар, шахсий ва кичик корхоналар, жамоа ташкилотлари ва уюшмалари ҳисобидан олтмиш беш миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Қирқ беш минг сўмлик озиқ-овқат ва кундалик эҳтиёж моллари бепул тарқатилди. Туман ҳокимлиги ва ташкилотларнинг ёрдами туфайли ўн нафар ногирон чет элларга ҳамда дўстлик давлатларига даволаниш учун юборилди. 1900 кишига саломатлигини тиклаш учун санаторийларга йўлланма берилди. Ана шу мақсадларга ижтимоий суғурта жамғармаси ҳисоби билан уч миллион сўм харажат қилинди.

Халқимизда меҳр кўргазган меҳр кўради, деган бир нақл бор. Туман ҳокимлигининг одамлар оғирини енгил қилиш, бугунги иқтисодий қийинчиликлар даврида уларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ҳатти-ҳаракатини улар кўриб туришибди. Айнан ҳокимият раҳбарларининг елиб-югуриш, бу ишга ташкилотлар, хўжаликлар имкониятини йўналтириш туфайли бугунги кунда туман қишлоқлари 100 фоиз газлаштирилди. Тоза ичимлик суви билан таъминлаш эса 96 фоизга етказилди.

Хуллас, Самарқанд туманида бугун амалга оширилаётган ишлар ҳам кўзни қувонтиради, ҳам дилни. Ана шундан одамларнинг руҳи тетик, эртанги кунга ишончи катта. Бунга биз туманнинг «Дўстлик» жамоа хўжалигидаги сўлим дала шийпонларидан бирида ўтказилган муштарийлар билан мулоқотда ҳам амин бўлдик.

Бир пиёла чой устида уюштирилган бу суҳбатда иштирок этиш учун туманнинг деярли барча ташкилот ва хўжаликларидан вакиллар келишган.

**Учрашувни туман ҳокими Раҳима ҲАКИМОВА бошлайди:**

-- Газетани ҳаёт ойнасига қиёслашади. Бу рамзий маънода айтилса-да, аммо унинг замирида ҳақиқат ётибди. Жаҳонда мамлакатимизда содир бўлаётган воқеалар, республикамизнинг турли бурчакларида амалга оширилаётган ишлардан ана шу матбуот нашрлари орқали хабар топамиз. Уларни мутолаа қилиш давомида қандайдир янгиликлардан огоҳ бўламиз, ниманидир ўрганамиз, кўпчиликни ўйлантираётган баъзи муаммолар ҳақида фикр юритамиз. Хуллас, газета ана шу жиҳати билан кундалик турмушимизга сингиб кетган. Албатта, республикамизнинг бош газетаси -- «Халқ сўзи» таҳририяти ходимларининг туманларда, меҳнат жамоаларида ўтказаётган бундай учрашувлари ҳар томонлама фойдали. Муштарийлар билан бевосита мулоқот журналистларга янги-янги мавзу бериб, газетани янада сермазмун қилиш имконини яратса, иккинчидан, жойлардаги аҳвол, одамларни бугун кўпроқ нималар қизиқтираётгани ҳақида аниқ тасаввур бериб туради.

Туманимизда қарийб икки юз эллик минг аҳоли яшайди. 51 минг хонадон бор. Албатта, ҳеч бир раҳбарнинг ҳар қайси хонадонга кириш имкони йўқ. Бунга вақти ҳам етмайди. Аммо газетанинг алоҳида хусусияти ҳам шундаки, унда шу имконият мавжуд.

Агар бугун туманда қилинаётган ишлар ҳақида тўхталадиган бўлсак, уларнинг бир қисми билан ўзларингиз танишдингиз. Яна шуни қўшимча қилиш мумкинки, биз аҳолининг транспорт воситаларига бўлган эҳтиёжини қондириш учун яқин йиллар ичида туманда троллейбус қатновини йўлга қўйиш ниятидамиз. Иқтисодий аҳволимиз бунинг имконини беради. Келгуси йилнинг ўзидаёқ ўн бир километр масофада троллейбуслар юра бошлайди. Кейинчалик уларнинг узунлиги 40 километрга етказилади.

Бугунги кунда туман ташкилот ва хўжаликларда ишлаётган ҳар бир кишининг ўртача маоши 385 сўмга тўғри келаётир. Ана шундай даромадларга қарамай, бизда пул эмиссияси йўқ ҳисоби. Чунки мавжуд маблағни маҳсулот билан таъминлаш учун барча чоралар кўрилмоқда. Бунинг учун туманга зарур маҳсулотни берадиган янги-янги корхоналар тикланаётир. Хуллас, қилаётган ва амалга оширмоқчи бўлган ишлар кўп.

Энди газета ҳақида икки оғиз сўз. Бугун биз унинг саҳифаларида нималарни кўпроқ ўқишни истаймиз. Бизда ҳозир ҳокимлик бошқарув тизими шаклланган. Лекин турли жойларда уларнинг иш услуби, иқтисодиёт, ижтимоий ҳаётга раҳбарликда қандай тажрибалар тўпланаяпти? Ана шулар ҳақида газета саҳифаларида кўпроқ ҳикоя қилинса, дуруст бўларди.

**Толиб НОРБОЕВ, тумандаги «Мароқанд» жамоа хўжалиги раиси:**

-- Мен Кенгаш депутати сифатида «Халқ сўзи» газетасини таъсис этишда қатнашганман. Ўтган йиллар ичида у халқ ҳаёти билан ҳамқадам бўлди. Газетанинг мазмун-мундарижаси бойиди. Турли масалаларни ёритишда дадиллик кўрсатяпти. Демоқчиманки, «Халқ сўзи» том маънода республиканинг бош газетасига айланди.

Лекин ҳаёт шитоб билан давом этаётир. Журналистларни ана шу оқимнинг олдинги сафида бўлишини истардик. Жойларда қилинаётган салмоқли ишлар, кўпчилик эътиборини тортадиган бирор-бир янгилик улар эътиборидан четдан қолмасин.

**Зумрад ЖЎРАҚУЛОВА, Ф. Қосимова номли жамоа хўжалиги касаба уюшмаси раиси:**

-- Аввало, мен газетанинг ҳар бир хонадонга, яхшилик, эзгулик олиб келишини хоҳлайман. Ўйлайманки, «Халқ сўзи» ана шундай газета. Шунинг учун ҳам мавқеи ва эътибори ошмоқда. Обуначилари сони ортаяпти.

Истакларим шуки, газета саҳифаларида хотин-қизлар меҳнати муаммолари кенгроқ ёритилса. Бир пайтлар бу масалага барча матбуот нашрларида катта эътибор берилганди. Лекин кейинги пайтларда негадир бу муаммо деярли ёритилмай қолмоқда. Ахир аёлларимиз фақат уй бекалиги, оналик бурчларини бажарибгина қолмай, ишлаб чиқаришнинг барча жабҳаларида ҳам фаол қатнашмоқдалар. Аммо ҳозирги шароитда улар анча қийинчиликларга ҳам дуч келишади. Менимча бугунги кунда ижтимоий муҳофазага энг муҳтож кишилар орасида ҳам энг кўпчиликни аёллар ташкил қилмоқда. Шунинг учун хотин-қизлар мавзуси газетада доимий бўлиши керак, деб ўйлайман.

**Ўлмас ФАЙЗИЕВ, туман молия бўлими мудири:**

-- Бизда тадбиркорлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, кичик корхоналар сони ошмоқда, уларнинг тушумидан келаётган солиқлар маданият ва бошқа шунга ўхшаш соҳалар ривожига сарфланмоқда.

Мен шу ерда газетанинг жамият ҳаётидаги тутган ўрни ҳақида тўхталмоқчи эдим. Матбуот қудратли куч. У жамоатчилик фикрини шакллантиришда, катта таъсирига эга воситадир. Шунингдек ҳали ҳаётимизда мавжуд иллатларни, камчиликларни кўрсатиш, уларни бартараф этишда муҳим ўрин тутади. Масалан, ҳозир барча жойларда ишнинг бир маромда кетмаслигига кўпроқ нима халал беради? Менимча Президентимиз фармонлари, ҳукумат қарорларининг бажарилишини таъминлаш барча томонларда ҳам бир ҳилда эмас. Бунинг учун куч ва имкониятлар топишнинг ҳамма чораси кўрилмаётир. Истардимки, газета ана шу масалани назорат қилиш, бу борадаги камчилик ва нуқсонлар мунтазам очиб борилса. Шунда унинг умум ишига қўшган ҳиссаси янада ортарди.

**Матлуба ОБЛОҚУЛОВА, тиббиёт ҳамшираси:**

-- Газетада қишлоқ тиббиётининг аҳволи ҳақидаги масалаларни ёритувчи мақолалар кўпроқ бўлсин. Бу ҳам ўткир муаммо, ёрдамни вақтида кўрсатишда ҳали камчиликлар анча. Лекин уларни бартараф этишда ҳамма нарса тиббиёт ходимларига боғлиқ эмас. Газета масаланинг шу томонини ҳам ёритсин.

**Саидқул ИСТАМОВ, туман прокурори:**

-- Умуман «Халқ сўзи»да, «Жиноят ва жазо» рукни остида мунтазам мақолалар бериб борилиши яхши. Лекин маъмурий органлар фаолиятининг турли қирраларини ёритадиган мақолаларни кўпайтириш керак, деб ўйлайман. Чунки газетанинг бошқа соҳалардаги каби, жиноятчиликнинг олдини олиш, юзлаб, минглаб кишиларни ноўрин қадам босишдан асраб қолишда ҳам таъсир кучи бор. Биз ана шундан етарли даражада фойдалана олмаяпмиз. Истардимки, журналистларнинг суд, прокуратура ва милиция ходимлари билан бу борадаги ҳамкорлиги янада мустаҳкам бўлса...

...Булар мулоқотда сўзга чиққан кишилар билдирилган фикрларнинг бир қисми, холос. Анча вақт давом этган учрашувда ўндан зиёд турли касб эгалари, газетанинг муштарийлари ўз мулоҳазаларини айтишди. **Туман шифохонаси бош врачи А. Турсунов, Самарқанд қишлоқ хўжалик институти доценти Т. Саттоpов, «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги раиси Н. Мажидов** ва бошқалар шулар жумласидандир.

Буюк Амир Темурнинг 590 йиллигини ҳам қўшиб нишонлашга ҳозирлик кўрилаётган, Хожа Аҳрори Вали каби улуғ зотларнинг қутлуғ излари қолган бу заминдаги ҳар бир учрашув, одамлар билан мулоқот бизда Самарқанд туманида ҳам газетамизнинг кўплаб жонкуяр муштарийлари борлигига яна бир карра ишонч уйғотди.

**Анвар ЖЎРАБОЕВ, Музаффар МУҚИМОВ**
**«Халқ сўзи»нинг махсус мухбирлари.**
**«Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист» Ғулом АЛИЕВ олган тасвирлар.**







*СУРАТЛАРДА: 1. «Парвина» корхонасида ана шундай хуштаъм пишлоқлар тайёрланади. 2. Чўпонотадаги чойхона. 3. Тумандаги сабзавот—мева қайта ишлаш бирлашмаси ходимлари Мўсинжон Обидов ва Аҳрор Мажидов тайёр маҳсулотларни кўздан кечирмоқда.*

